

фий ҳазиҳил лайлати ва шарри ма баъдаҳа, робби аъзузу бика минал касали валҳароми ва су`ул кибар. Аъзузу бика мин ъзабин фин нари ва ъзабин фил қобр», деб айтар эдилар.

Агар тонг отса: **«Асбаҳна ва асбаҳал мулку лиллаҳ»,** деб, қолганини ўшандай давом эттирардилар.

Маъноси: Биз ҳам, бутун мулк ҳам Аллоҳники бўлган ҳолда кеч киргизди. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мутлақ мулк Униқидир. Мақтов ҳам Унга хосдир. У ҳар нарсага қодирдир. Эй Раббим, Сендан бу кечанинг яхшиликларини ва ундан кейинги яхшиликларни сўрайман. Бу кечанинг ёмонлигидан ва ундан кейинги кечанинг ёмонлигидан Сендан паноҳ тилайман. Эй Раббим, Сенинг номинг ила дангасалиқдан, жуда қариб кетишдан ва кибрликни ёмонидан паноҳ тилайман. Яна дўзах ва қабр азобидан ҳам паноҳ тилайман.

Имом Муслим ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Анвар Аҳмад таржимаси